КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ваҳобов Даврон Абдужалолович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси
Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй

Аннотация: Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мамлакат иқтисодиётнинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамад ўрта синф ва фуқаролик жамиятининг демократик институтларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мақолада кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш учун уларни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш зарурлиги хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб муҳокама қилинади. Бундан ташқари, мақолада айрим ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнесни ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ислоҳотларининг самарадорлиги уларнинг функционал ва иқтисодий кўрсаткичлари нуқтаи назаридан ўрганилиб, уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари баҳоланган.

Калит сўзлар: кичик бизнес субъектлари, кичик ва ўрта бизнес, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш.

Abstract: Support and development of small business is one of the main priorities of the country's economy, ensuring employment of the population, improving the quality of life, and forming democratic institutions of the middle class and civil society. The article discusses the need to form an effective system of state regulation and support for the implementation of effective measures to encourage the development of small businesses based on the experience of foreign countries. In addition, the article examines the effectiveness of the reforms implemented by some developed countries on the development of small business from the point of view of their functional and economic indicators, and evaluates the possibilities of their application in the conditions of Uzbekistan.

Key words: small business entities, small and medium business, small business support.

Кириш

Саноати ривожланган давлатларда одатда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари кичик ва ўрта бизнесни миллий, минтақавий ва маҳаллий ҳамда халқаро миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича катта тажриба тўплаган ва барқарор тизим шаклланган. Тизимнинг йўналиши иқтисодий ва ижтимоий вазиятни яхшилашга ва бозор муносабатларининг узоқ муддатли стратегик ривожлантиришга қаратилган. Шу жумладан, Америка Қўшма Штатларининг “Кичик бизнес тўғрисидаги қонуни” кичик бизнеснинг ҳақиқий ва потенциал имкониятларини тўлиқ намоён этиш орқалигина миллий хавфсизлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлаш мумкинлигини таъкидлайди. 1990-йилларга қадар Япония

кичик ва ўрта бизнесни заиф гуруҳлар деб ҳисобларди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига келиб, “Кичик ва ўрта корхоналар тўғрисида”ги янги асосий қонунда КЎБ “янги ишлаб чиқариш кучларини ташкил этиш, бандлик имкониятларини яратиш, бозор рақобатини рағбатлантириш ва минтақавий фаолиятни жонлантиришнинг асосий органи” деб ҳисобланган. Европа Иттифоқининг Кичик бизнес тўғрисидаги Низоми кичик ва ўрта бизнесни “Европа Иттифоқи иқтисодиётининг асосий кучи” ва ҳаётийлик ва рақобатбардошликни таъминлайдиган иқтисодий субъект деб ҳисоблайди ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш тамойили сифатида биринчи навбатда кичик бизнес субъектларини олади.

Америка Қўшма Штатлари, Япония ва Европа иттифоқидаги аксарият мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналар барча корхоналарнинг 97% дан ортиғини (шу жумладан, микрофирмаларнинг қарийб 90%) ташкил этиб, фаол иқтисодиётнинг асосий органига айланган. АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқининг ЯИМга қўшган ҳиссаси мос равишда 50%, 56,7% ва 58% га етди, бу барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бундай мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиш сифати тобора юқори бўлиб, йирик корхоналар билан тафовут торайиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турли моделлари мавжудлигини кўрсатади.

Либерал модел. Давлатнинг кам аралашувига асосланган либерал модел қуйидаги хусусиятларга эга: давлат корхона ва ташкилотлари сонининг қисқариши, тадбиркорлик субектларининг либераллиги, ижтимоий мақсадларга эришишда давлатнинг минимал иштироки. Давлатнинг роли аралашмаслик иқтисодий сиёсатини олиб бориш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш билан чекланиши керак. Бу ёндашув инглиз классик мактаби (А. Смит, Д. Рикардо, Д. Милл) томонидан таклиф қилинган. Асосан, тартибга солиш иқтисодий хусусиятга эга ва макроиқтисодий жараёнлар билан чегараланади. Ушбу модел АҚШ, Буюк Британия, Франция учун хос ҳисобланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор модели. Ушбу модел иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим даражаси билан ажралиб туради, бозорни давлат томонидан тартибга солиш даражаси юқори; макроиқтисодий жараёнлар ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим соҳалари бевосита давлат томонидан тартибга солинади. Давлат сиёсати аҳолининг уй-жойга, таълим ва маданият, соғлиқни сақлашга бўлган талабини қондириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Иқтсиодчи олимлар Треси Янг, Жероме Лимларнинг илмий

тадқиқотларга кўра, кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини шакллантириш асосан икки кўринишда амалга ошишрлиши мумкин:

а) тадбиркорликка бевосита ёрдам кўрсатиш нуқтаи назаридан ва б) тадбиркорликни рағбатлантириувчи билвосита каналларини ривожлантириш.

Биз ушбу тадқиқотда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ҳар иккала шаклини ҳам кўриб чиқамиз.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, тарихий-лик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Юқорида қайд этилган айрим мамлакатлар мисолида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турли шаклларидан фойдаланишнинг амалий тажрибасини кўриб чиқамиз.

АҚШ. Америка Қўшма Штатларининг кичик ва ўрта бизнес сиёсати тизими рақобатга йўналтирилган сиёсатга урғу беради. АҚШ қонунлари ва сиёсатлари асосан кичик корхоналар учун ташқи муҳитни яхшилайди ва йирик корхоналарнинг бозорни монополлаштиришига йўл қўймайди.

Мамлакатдаги иш билан бандларнинг 80,0 % дан кўпроғи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. АҚШда кейинги ўн йил давомида янги иш жойларининг 80,0 % ҳам кичик бизнес соҳасида ташкил этилган. АҚШда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш махсус давлат ташкилоти - мамлакат Конгресси томонидан 1953 йилда ташкил этилган Кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият зиммасига юклатилган. У тадбиркорларга ҳукумат буюртмалари, молиявий ёрдам олиш, маслаҳатлар бериш, йирик корхоналар билан контрактлар тузиш масалаларини ҳал этади.

АҚШ ҳукуматининг тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими 60 йилдан ортиқ вақт давомида самарали ишлаб келмоқда. Кичик ва ўрта корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантиришнинг дастлабки босқичи 1953 йилда Кичик бизнес маъмуриятининг (КБМ (SBA)) ташкил этилишдан бошланди.(1-расмда) Кичик бизнес маъмурияти фақат мамлакат Президенти ва Конгрессига ҳисобот беради. Ташкилий нуқтаи назардан, ушбу тузилма адвокатлар коллегияси ва Бош инспекцияни ўз ичига олади, аммо уларнинг фаолияти КБМ раҳбариятига боғлиқ эмас. Бу Адвокатлар коллегияси ва Бош инспекцияга кичик ва ўрта тадбиркорлик субектлари ҳолатини мустақил баҳолаш,



1-расм. АҚШда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тузилмаси[1]

Молия вазирлиги фаолияти самарадорлигини аниқлаш ҳамда иқтисодиётнинг ушбу тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш усуллари ва дастурларини такомиллаштириш бўйича конструктив чора-тадбирларни таклиф қилиш имконини беради.

Айни пайтда КБМ фаолияти кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган 36 та стратегик мақсадларга мувофиқ амалга оширилмоқда, жумладан: мамлакатнинг кам ривожланган ҳудудларида ва ривожланмаган бозорларда кичик бизнес субъектлари сонини кўпайтириш; табиий офатлардан зарар кўрган уй-жой мулкдорлари, ижарачилар, нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларига ўз вақтида моддий ёрдам кўрсатиш; таълим ва маданият вазирлиги дастурлари самарадорлигини доимий мониторинг қилиш, назорат қилиш ва такомиллаштириш ва бошқалар. Молия вазирлигининг фаол иштирокида кичик бизнесни молиявий, технологик, услубий ва инновацион қўллаб-қувватлашнинг миллий тизими ташкил этилди. Молия вазирлиги ёрдамининг молиявий жиҳати, асосан, эҳтиёжманд кичик корхоналар учун стипендиялар ажратиш, шунингдек, ривожланишнинг дастлабки босқичларида инновацион кичик бизнес субектларига имтиёзли кредитлар ажратишдан иборат. Масалан, МБҲ дастури кичик бизнес муаммоларини ҳал қилиш учун 85% кафолат (150 000 АҚШ долларигача) ва 75 фоиз кредит кафолати (150 000 АҚШ долларидан ортиқ) тақдим этади.

Америка Қўшма Штатларида тадбиркорларни ахборот билан

қўллаб-қувватлаш механизми ҳам яхши ривожланган ва “SBA-Net” бепул ахборот хизмати тармоғи доирасида замонавий усулда фаолият юритади. [2]

Япония. 3,58 миллион кичик ва ўрта корхоналар Японияда жами компаниялар сонининг 99,7 фоизини ташкил қилади ва улар мамлакат иқтисодиётини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини бошқаришга масъул бўлган Кичик ва ўрта корхоналар бошқармаси Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ҳузурида мустақил агентлик сифатида ташкил этилган бўлиб, унинг таркибида 200 нафарга яқин ходим ишлайди. Унинг асосий вазифалари кичик ва ўрта бизнес сиёсатини шакллантириш, КЎБ учун яхши бизнес муҳитини яратиш, КЎБ учун тадбиркорлик ва инновацияларни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни чет эл бозорларини кенгайтиришда қўллаб-қувватлаш, КЎБ истеъдодларини этиштиришни қўллаб-қувватлаш, КЎБ учун адолатли бозор муҳитини яратиш, Минтақа ва жамиятга ҳисса қўшадиган тизим ва бошқалар.

Кичик ва ўрта бизнес бошқаруви “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унда тегишли бўлимлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштириш ваколати аниқ белгилаб қўйилган. Бўлимлар ўртасида мувофиқлаштириш механизми мавжуд, турли даражадаги горизонтал учрашувлар алоқа ва ҳамкорликнинг муҳим воситаси, сиёсат ахборотининг очиқлиги ва шаффофлиги асосий кафолатдир.

Японияда КЎБ қўллаб-қувватлаш кўп даражали сиёсатни амалга ошириш тизимини яратиш ва бу даржалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини шакллантиришдан иборатдир. Японияниинг КЎБ қўллаб-қувватлаш механизми кичик ва ўрта бизнеснинг индивидуал эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, муниципалитетлар, давлат идоралари, молия ва тадқиқот институтлари ва бошқа қўллаб-қувватловчи ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Шунингдек, Японияниинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ҳузуридаги турли ҳудудий иқтисодий ва саноат бюроларида кичик ва ўрта корхоналарни бошқариш бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар минтақавий ҳукуматлар ва хусусий муассасалар томонидан сиёсатнинг амалга оширилишига раҳбарлик қилиш ва рағбатлантириш учун масъулдирлар. Префектуралар ва худудий округларда кичик ва ўрта бизнес учун масъул бўлимлар ташкил этилган бўлиб, КЎБ бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича маҳаллий сиёсатни ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнайди.

Япония кичик ва ўрта корхоналарнинг хориждаги манфаатларини рағбатлантириш мақсадида инвестицияларни ҳимоя қилиш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарга ахборот, бизнес йўналиши ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш учун Япония ташқи савдо ташкилоти ва Кичик

ва ўрта бизнес жамғармасини ҳам ташкил этган (2-расм).



2-расм. Японияниг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш механизми [3]

Японияник экспертларнинг фикрича, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ушбу давлатнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда дунёнинг энг бой давлатлари қаторига киришига ёрдам берган ягона омилдир. Кўпгина ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Тадқиқот давомида Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни кўриб чиқиш ва бу тажрибаларни маҳаллий амалиёт билан солиштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш муҳим аҳамият каб этади. Бу борада Европанинг етакчи давлатлари сифатида Германия, Франция ва Швеция тажрибаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Германия. Немис бизнесининг муваффақияти Германиядаги барча фирмаларнинг 99% дан ортиғи тегишли бўлган кичик ва ўрта

корхоналар томонидан бошқарилади. Иқтисодий маҳсулотимизнинг ярмидан кўпи ва иш ўринларининг қарийб 60 фоизи ушбу компаниялар ҳиссасига тўғри келади. бунда КЎБ йиллик сотувлари 50 миллион эвродан кам бўлган ва 500 дан кам ходимга эга фирмалар сифатида белгиланади. Тахминан Германиядаги касб эгаларининг 82 фоизи кичик ва ўрта корхоналарда касбий таълим олади. Германия иқтисодиёти 3,6 миллион кичик ва ўрта корхоналар (КЎБ), шунингдек, сон-саноқсиз якка тартибдаги тадбиркорлар ва фрилансерлар билан тавсифланади.

Германиянинг “Mittelstand” номи билан ҳам танилган кичик ва ўрта компаниялари (КЎК) мамлакатнинг инновациялар ва технологияларнинг энг кучли драйвери бўлиб, бутун дунёга машҳур.

Германия ҳукумати бошқарув ва хизматлар учун КЎБ билан боғлиқ гуруҳлардан фойдаланишни қўллаб-қувватлайди. Германия Савдо-саноат палатаси, Ҳунармандлар палатаси ва бошқалар каби миллий ташкилотлар савдо ва саноат тармоқларидаги кичик ва ўрта корхоналарни бошқариш учун масъул бўлиб, қисқа муддатли бепул бизнес консалтинг хизматларини тақдим этадилар. Кўпгина нодавлат шаклда ташкил этган ижтимоий гуруҳлар кичик ва ўрта корхоналари ҳимоя қилиш ассоциацияси каби кичик ва ўрта корхоналарга замонавий бизнес амалиётларини ўргатиш учун профессионал хизматлар кўрсатади.

Германияда Иқтисодиёт ва энергетика федерал вазирлиги ҳузурида мустақил экспертлардан иборат кичик ва ўрта бизнес бўйича маслаҳат кенгаши мавжуд. У КЎБ корхоналари олдида турган ҳозирги вазият ва келажакдаги иқтисодий истиқболларга, шунингдек, профессионал хизматларга қаратилган. Кенгаш федерал вазирга таркибий ўзгаришларнинг КЎБга таъсири ҳақида маслаҳат беради. Бундан ташқари, у ички иқтисодий сиёсатнинг кичик ва ўрта бизнесга таъсирини таҳлил қилади.

Германияда иккита асосий орган бизнес манфаатларини ифодалайди: Германия Саноат ва савдо палаталари уюшмаси (DIHT), “Deutsche Handelskammern” ва “Handwerkskammern”. Германия палаталари бутун мамлакат бўйлаб жойлашган бўлиб, барча кичик ва ўрта корхоналар рўйхатдан ўтишни талаб қиладиган ҳуқуқий мақомга эга.

Германияда кичик бизнесни қўллаб-қуватлаш бу тизимда иштирок этувчи турли инстиутларнинг ўз ваколатлари доирасида бир неча йўналишларда амалга оширилади. Масалан, кичик бизнес субъектлари учун ер масалалари борасида маҳаллий хокимият органлари, Саноат ва савдо палатаси, маҳаллий банклар ва Меҳнат унумдорлиги Идораси каби ташкилотлар кўмак беради.

Кичик корхоналарни моддий ва номоддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда эса, маҳаллий хокимият органлари, Миллий давлат

банклари (KfW, DtA) ҳамда Саноат ва савдо палатаси ва унинг худудий бўлинмалари бевосита кўмак беради.

Кичик бизнес субъектларини малакали кадрлар билан таъминлаш, яъни ўқитиш ва малака ошириш борасида асосий иштирокчилар Саноат ва савдо палаталари уюшмалари ҳамда Германия Ҳунармандлар уюшмаси ҳисобланади.

Германияда кичик ва ўрта бизнесни ахборот таъминоти ва консалтинг хизматига катта ресурслар ажратилган. Германияда тизимни бошқариш бўйича маслаҳат кўмаги махсус давлат ишонч агентлари (“Treuhandanstalt” давлат ишонч агентлиги) томонидан амалга оширилади. (3-расм)

Кредит кафолати бўйича Германия Иқтисодиёт ва энергетика федерал вазирлиги кичик ва ўрта корхоналарга максимал 450 миллион маркагача кафолатлар ёки бошқа турдаги кафолат хизматларини тақдим этади ва зарур харажатлар Европа тикланиш режасига бағишланган активлардан олинади.

Технологи инновацияларни қўллаб-қувватлаш борасида Германияда кичик ва ўрта корхоналар технологик инновацион фаолиятни амалга ошириш учун давлат субсидияларини олишлари мумкинлиги ва субсидия миқдори лойиҳанинг умумий қийматининг 25 фоизини ташкил этиши мумкинлигини белгилайди.

Шунингдек, Германияда инклюзив тадбиркорлик сиёсатига алоҳида эътибор қаратилади. Инклюзиф тадбиркорлик - бу барча одамларнинг шахсий хусусиятлари ва келиб чиқишидан қатъи назар, ўз бизнесини бошлаш ва юритиш имкониятига эга бўлишини таъминлашга қаратилган. Ҳукуматлар аёллар, иммигрантлар, ёшлар, қариялар, ишсизлар ва ногиронлар каби гуруҳларнинг тадбиркорлик салоҳиятини очиш учун кўпроқ иш қилиши мумкин.

Ушбу сиёсатлар иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Масалан, 2019-йилда тадбиркорликдаги гендер тафовутини бартараф этиш жаҳон ялпи ички маҳсулотини 2 фоизга ёки 1,5 триллион долларга (тахминан 1,3 триллион евро) ошириши тахмин қилинган эди.

Бироқ, инклюзив тадбиркорлик сиёсатининг яна бир муҳим натижаси меҳнат бозорига мослашишни яхшилашдир. Одамларга кўникма ва иш тажрибасига эга бўлиш ва тармоқларни қуришда ёрдам бериш орқали кўпроқ аҳоли иш билан таъминланади.

Франция. Францияда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича асосий координатор Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлиги ҳисобланади. Кичик корхоналар сони 3,9 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг деярли ярми якка тартибдаги ёки оилавий тадбиркорлардир.



3-расм. Германия хукуматининг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш механизми [4]

Кичик бизнес Францияда иш ўринларининг 50% дан ортиғини таъминлаб, умумий бизнес субъектларини 99.9 фоизини ташкил этади. Францияда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари қуйидагилардир: янги ташкил этилган корхоналарга ёрдам бериш (айниқса, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш); кичик ва ўрта корхоналар учун кредит ташкилотларини ривожлантириш; бозорда фаолият юритувчи КЎБ субъектларини жадал ривожлантириш; 42 турдаги кичик ва ўрта бизнес сегменти маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш; янги маҳсулотлар ва хизматларни яратиш учун инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш.

1-жадвал

Францияда жами корхоналар сони

Корхоналар кўлами (ходимлар сони)	**Корхоналар сони**	**%**
Барча турдаги корхоналар	**3 933 961**	100
Кичик ва ўрта корхоналар (1-249)	3 927 958	99.9
Микро-фирмалар (1-9)	3 779 880	96.0
Кичик корхоналар (10-249)	148 078	3.4
Йирик корхоналар (250+)	6 003	0.1

Манба: INSEE, Les entreprises en France, Edition 2020.

Францияда кичик бизнес субъектларини солиқ имтиёзлари тизими алоҳида эътиборга молик. Янги ташкил этилган корхоналар 2 йил муддатга маҳаллий солиқлардан озод этилди, улар учун даромад солиғи ва инвестиция қилинган фойда қисмига солиқ камайтирилди. Ўз бизнесини очишга қарор қилган ишсиз фуқаролар бир йил муддатга ижтимоий суғурта жамғармаларига мажбурий тўловлардан озод қилинади.

1.3.5-расмда келтирилганидек, Молия, иқтисодиёт ва саноат вазирлиги миллий иқтисодиёт ва техник сиёсатга доир барча масалаларни уйғун тарзда ҳал этиб боради. Шунингдек, КЎБ субъектлари манфатини ҳимоя қилувчи Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Кенгаши тўғриан тўғри мамлакат парламентига ҳисобот беради. Ушбу бўғин кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда барча давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқани йўлга қўйишга кўмаклашади.

Францияда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш доирасида қабул қилинган дастурлар давлат ва шерикчилик ташкилотлари вакиллари билан бирга амалга оширилади. (4-расм) Франция тажрибасини таҳлил қилиш натижаси яна бир муҳим жиҳатни, яъни кичик бизнес корхоналарни чекка ҳудудларга кўчириш учун рағбат мавжудлигини кўрсатди. Ташкилотлар капитал қўйилмалар

учун мақсадли кредитлар олади. Бундан кутиладиган асосий мақсад заиф ҳудудларни ривожлантириш.



4-расм. Францияда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш тузилмаси [5]

Хитой Халқ Республикаси. Кичик ва ўрта бизнесни фаол қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш Хитой ҳукуматининг устувор йўналишларидан биридир. Хитойдаги 150 миллиондан ортиқ бозор субъектлари орасида кичик, ўрта ва микро корхоналар, якка тартибдаги саноат ва тижорат уй хўжаликлари 80% дан ортиғини ташкил этади. Хитойда умумий иш билан бандларнинг ярмидан кўпроғи кичик бизнес соҳасида иш билан банд ҳисобланади.

Сўнгги йилларда давлат институтларидаги ислоҳотлардан сўнг ХХР ҳукумати қошидаги Савдо-иқтисодиёт қўмитаси таркибида Кичик ва ўрта корхоналар департаменти тузилган. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ушбу корхоналарни ислоҳ қилиш ва қайта қуришга раҳбарлик қилиш; ушбу корхоналарни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ишлаб чиқиш; уларга хизмат кўрсатиш тизимини яратишни рағбатлантириш; кичик ва ўрта корхоналар ўртасида халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш.

2000 йилда Миллий савдо-иқтисодий қўмитаси кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш учун 12 та молия, илмий-техникавий, банк ва бошқа муассасалардан иборат Хитой ишчи гуруҳини тузди.

Хитой ҳукумати “Кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Унда кичик ва ўрта тадбиркорлик субектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари аниқ белгилаб қўйилиб, уларнинг фаолият юритиши учун атроф-муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Қонуннинг асосий қоидаларидан бири шундаки, давлат бюджетига кичик ва ўрта тадбиркорлик тўғрисидаги модда киритилиб, уларни ривожлантириш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан махсус жамғарма ташкил этилади. Қонунда кичик ва ўрта бизнесни бошқариш органларини шакллантириш, кредит кафолатларини бериш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилган.

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш билан бир вақтда Хитой ҳукумати давлат буджетига кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бандини киритиш ҳамда фан ва технологияни ривожлантириш учун махсус жамғарма яратиш масаласини кўриб чиқмоқда. Ҳукумат топшириғига кўра Хитойда давлат тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш бўйича тижорат банкларининг бўлинмалари ташкил этилди. Давлат банклари тижорат банкларининг етарлича кенг тармоғига таяниб, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш ҳажмини сезиларли даражада оширди. Хитойнинг тижорат банклари ҳозирги кунда кичик ва ўрта корхоналарга кредит берувчи асосий кредит ташкилотларига айланмоқда.



5-расм. ХХР кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишлари [6]

ХХР ҳукумати барча корхоналарда техник инновациялар тизимини ривожлантиришни рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди. Илм-фан ва технология ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш ва корхона ходимлари томонидан технологияни

ривожлантириш механизмини яратиш учун давлат фан ва технологияни “умумий ҳисса” деб ҳисоблаш керак, деб ҳисоблайди.

Масалан трансформация ва модернизацияни янада рағбатлантириш йўналишида “Интернет + кичик ва микро корхоналар”ни фаол равишда тарғиб қилиш, кичик ва микро корхоналарни ахборотлаштириш ва давлат хизматлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашиш. Ахборот хизмати провайдерларини кичик ва ўрта корхоналар учун онлайн ва офлайн режимда ўқитиш ва иловаларни илгари суриш бўйича йўриқнома. “Maker China” хизмат кўрсатиш платформасини яратинг ва “Maker China” танловини ўтказинг. Кичик ва ўрта корхоналарни инновациялар ва трансформациялар бўйича тажриба ишларини олиб бориш, ўн мингта корхоналарни ўзгартириш ва модернизация қилишга кўмаклашиш.

Хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш йўналишида КЎБ субъектлари учун давлат хизматлари платформаси тармоғини қуриш лойиҳаси амалга оширилди. Хитойда КЎБ учун 511 та миллий давлат хизматлари тури аниқланиб, бу субъектларга сифатли ва тез хизмат кўрсатиш мақсадида China SME Online (CSMEO) деб номланувчи махсус платформа ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, China SME Online (CSMEO) давлат ахборот хизмати ХХРнинг барча ҳудудларида ишлайди, унинг хизматларидан ҳар куни 200 000 дан ортиқ мижозлар фойдаланади. “CSMEO” ахборот тармоғи ўз фойдаланувчиларига амалдаги қоидалардаги жорий ўзгаришлар ва тенденциялар, янги меъёрий ҳужжатларнинг пайдо бўлиши, талаб қилинадиган таклиф ҳажмлари, ташқи ва маҳаллий бозорлардаги талаб ҳақида энг долзарб маълумотларни тақдим этиш учун яратилган. Шунингдек, ушбу тармоқ кичик бизнес маҳсулотлари бозорининг ҳолати, КЎБ сегменти томонидан ишлаб чиқарилган энг юқори сифатли маҳсулотларнинг хусусиятлари ҳақида энг тўлиқ ва долзарб маълумотларни намойиш этади.

“CSMEO” мамлакатнинг турли вилоятлари ва шаҳарларидаги кичик ва ўрта бизнесдаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумот беради. Тармоқ иш изловчилар тўғрисида маълумотларни тўплайди ва иш берувчиларга тақдим этади, тадбиркорларга маслаҳат беради, техник ва таълим хизматларининг кенг спектрини тақдим этади.

Хитойнинг кичик ва ўрта корхоналарини қўллаб-қувватловчи яна бир муассасаси - бу кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш марказлари тизими ҳисобланади. Ҳозир уларнинг сони 2,5 мингга яқин. Улар ходимларни ўқитиш хизматларини кўрсатадилар, ҳуқуқий ёрдам ва технологик ёрдамни таклиф қиладилар.

Кичик экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Хитой Савдо вазирлиги ҳузурида кичик ва ўрта бизнеснинг ташқи савдосини ривожлантириш бошқармаси (ТСРБ) ташкил этилди.

Департаментнинг асосий хизмати - КЎБ экспорт қилувчиларни онлайн рўйхатдан ўтказиш учун Интернет хизматини яратиш. Ривожланиш департаменти фаолиятининг асосий йўналиши кичик ва ўрта бизнес суб'ектларининг узоқ муддатли асосда экспорт қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг халқаро бозорга чиқишига кўмаклашишдан иборат.

Ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун ушбу ТСРБ КЎБ субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, хусусан: кўргазмалар ўтказиш харажатларининг бир қисмини қоплайди, интеллектуал мулк ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказишни субсидиялайди, савдо майдончалари билан таъминлайди, КЎБ ходимлари учун тренинглар ўтказади ва турли иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатлар беради (онлайн ёки телефон орқали), чет элда ҳамкорлар топишда, кадрлар ёллашда ўз ёрдамини тақдим этади. Бундан ташқари, ТСРБ давлат идоралари билан баҳсли вазиятларда кичик ва ўрта бизнеснинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади.

Хитойнинг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш бўйича тажрибаси, шубҳасиз, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизимини ривожлантиришда фойдали бўлади.

Хулоса

Хорижий тажрибани ўрганиш Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш учун инфратузилмани такомиллаштиришда ижобий тажрибадан фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан жуда қизиқ. Давлатларнинг институционал қўллаб-қувватлаш чоралари ва воситаларини ўрганиш, уларни Ўзбекистон шароитларига мослаштириш ва маҳаллий кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жараёнида улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Юқоридаги келтирилган тажрибаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда "ўрта бизнес" тушунчасидан иқтисодий муносабатларда фойдаланиш амалиётини ўрганиб чиқиб, уни амалга тадбиқ этиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ деб ҳисобламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

[1] АҚШ кичик бизнес маъмурияти Адвокатлик идораси. https://advocacy.sba.gov/2019/04/24/2019-small-business-profiles-for-the-states-and-territories/ -

[2] Государственная политика США в отношении предпринимательства и малого бизнеса [Электронный ресурс]. URL: http://www.NISSE.ru.

[3] Rika Nakagawa. The Policy Approach In Promoting Small And Medium Sized Enterprises In Japan. International Business & Economics Research Journal – Volume 11, Number 10. 2012.

[4] David Lauder. The System of Support for SMEs in the UK and Germany. European Business Review. Volume 94 Number 1 1994.

[5] А.Арипов. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Диссертация. 2020 йил.

[6] Tracy Yang, Jamus Jerome Lim, Toshiki Kanamori. Strategies for the People's Republic of China's Small and Medium Enterprise Development within the National Innovation System. ADB Institute Research Paper Series No. 73 November 2008.